

ва фойдалар мавжуддир.

БИСМИЛЛАҲИР РОҲМАНИР РОҲИЙМ

Умрда бир мартаба ҳаж қилишни фарз қилган, ҳар вақт умра ибодатини бажаришни суннат қилган ва улуғ рава соҳибига ҳаж ва фурқон сурасини нозил қилган Аллоҳ таолога ҳамду санолар бўлсин. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга, у зотнинг оилаларига ва асҳобларига кўплаб солавоту саломлар бўлсин.

ҲАЖНИНГ ФАЗИЛАТИ

Ҳаж ислом динининг муҳим фарзи ҳамда ошиқона ибодатлардандир. Унга эътибор бериб, сидқи дилдан бажарувчиларга беҳисоб ажру савоблар ваъда қилинган. Унга бепарво бўлган кишиларга эса, ваъидлар мавжуддир.

Имом Табароний раҳматуллоҳи алайҳ ўзларининг “Муъжами кабийр” асарларида ҳаж ибодатини бажаришга юзланган кишиларга бериладиган мукофат ҳақида ворид бўлган қуйидаги ҳадисни ривоят қилганлар:

«أَشْرُكُمْ مَنْ نَجَّحَ أُجْرًا: هِيَ نَبَلٌ لَأَقْرَبُونَ، أَمْ هُنَّ عِلَلٌ يَضْرِبُ سَابِعَ نَبَلٍ. نَعْلُ كَبَبٍ كَأَرْجُلِ الْجَلَلِ: لَوْ قِي مَلَسُو هِيَ لَعَلَّ لِي صِدْقٌ لَأَلْوَ سَرُّتْ عَمَّ سِي نِإْفِةَ إِئْمُغَبَسَ أَوْ طَخِيَّةَ وَطَخِيَّةَ لِكَبَبِي شَأْمَ لَو، نَسَحَ نِيغَبَسُ هُتَلَحَارَ أَوْ طَخَتِةَ وَطَخِيَّةَ نَسَحَ».

Ибн Аббос розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

“Абдуллоҳ ибн Аббос розияллоҳу анҳу ўз ўғилларига: “Эй, ўғилларим! Маккадан (арафотга) пиёда ҳаж қилгувчи ҳолда чиқинглар. Чунки, мен Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг: “(Маккадан Арафотгача улов билан борган) Уловлик ҳожи учун улови босиб ўтган ҳар бир қадамига етмишта ҳасанот, (Маккадан Арафотгача юриб бориб ҳаж қилган) пиёданинг ҳар бир қадамига эса, етти юзта ҳасанот бўлади” деяётганларини эшитганман” деди” (Муъжамул кабий).

амалларга бу орқали кўз югиртириш жуда осон бўлади. Шу билан бир қаторда толиби илмларга ҳам ҳаж ва умра амалларини ўрганишларида енгиллик ва қулайлик пайдо бўлади.

Ифрод ҳажининг амаллари			Қирон ҳажининг амаллари		
1	Эҳромга кириш	Шарт	1	Ҳаж ва умра иккисига бирдан эҳромга кириш	Шарт
2	Рамал (паҳлавонча юриш) билан тавофи қудум қилиш	Суннат	2	Умра тавофи	Рукн
3	Сафо ва Марво тепалигида саъй қилиш	Вожиб	3	Умра тавофида рамал қилиш	Суннат
4	Арафотда туриш	Рукн	4	Умранинг саъйи	Вожиб
5	Муздалифада туриш	Вожиб	5	Рамал билан тавофи қудум қилиш	Суннат
6	Қурбонлик куни жамраи ақабада шайтонга тош отиш	Вожиб	6	Ҳажнинг саъйи	Вожиб
7	Соч олдириш ёки қисқартириш	Вожиб	7	Арафотда туриш	Рукн
8	Тавофи зиёрат	Рукн	8	Муздалифада туриш	Вожиб
9	Ўн биринчи ва ўн иккинчи кунлари шайтонга тош отиш	Вожиб	9	Қурбонлик куни жамраи ақабада шайтонга тош отиш	Вожиб
10	Минода кечани ўтказиш	Суннат	10	Қурбонлик қилиш	Вожиб
11	Видолашув тавофи	Вожиб	11	Соч олдириш ёки қисқартириш	Вожиб
			12	Жамраи ақабага тош отиш, қурбонлик ва соч олдиришда тартибга риоя қилиш	Вожиб
			13	Зиёрат тавофи	Рукн
			14	Ўн биринчи ва ўн иккинчи кунлари шайтонга тош отиш	Вожиб

15 Минода кечани ўтказиш **Суннат**

16 Видолашув тавофи **Вожиб**

Таматтуъ ҳажининг амаллари

Умранинг амаллари

- 1 Умрага эҳромга кириш **Шарт**
- 2 Умранинг тавофи **Рукн**
- 3 Рамал билан умра тавофини қилиш **Суннат**
- 4 Умранинг саъйи **Вожиб**
- 5 Умра арконларидан кейин соч олдириш ёки қисқартириш **Вожиб**
- 6 Саккизинчи зул ҳижжа куни ҳажга эҳромга кириш **Шарт**
- 7 Арафотда туриш **Рукн**
- 8 Муздалифада туриш **Вожиб**
- 9 Қурбонлик куни жамраи ақабада шайтонга тош отиш **Вожиб**
- 10 Қурбонлик қилиш **Вожиб**
- 11 Соч олдириш **Вожиб**
- 12 Жамраи ақабага тош отиш, қурбонлик ва соч олдиришда тартибга риоя қилиш **Вожиб**
- 13 Зиёрат тавофи **Рукн**
- 14 Ҳажнинг саъйи **Вожиб**
- 15 Ўн биринчи, ўн иккинчи кунларнинг тошини отиш **Вожиб**
- 16 Минода кечани ўтказиш **Суннат**
- 17 Видолашув тавофи **Вожиб**

- 1 Умрага эҳромга кириш **Шарт**
- 2 Умра тавофи **Рукн**
- 3 Умранинг саъйи **Вожиб**
- 4 Соч олдириш ёки қисқартириш **Вожиб**
- 5 Видолашув тавофи **на вож ва на суннат**

ҲАЖНИНГ БЕШ КУНИ

Ҳажнинг биринчи куни: Саккизинчи зул ҳижжа ҳажнинг биринчи куни ҳисобланади. У кунда қуйидаги амаллар қилинади:

1. Бомдод номозидан кейин Мино томонга равона бўлинади ва Минода пешин, аср, шом, хуфтон ва зул ҳижжанинг тўққизинчи кунининг бомдод намозлари адо қилинади. Лекин, бугунги кунда йўл-йўриқ кўрсатувчилар еттинчидан саккизинчи кунга ўтар кечаси ҳожиларни Минога олиб чиқиб кетмоқдалар. Турли кўнгилсиз ҳолатларга тушмаслик учун улар билан Минога чиқиб кетиш лозим;

Ҳажнинг иккинчи куни: Зул ҳижжанинг тўққизинчи куни ҳажнинг иккинчи куни ҳисобланади. У куннинг бомдод номозидан кейин арафотга равона бўлинади. Арафотда қилинадиган амалларни қай тарзда бажарилишини “Арафот масалалари” сарлавҳаси остида келгуси сатрларда баён қиламиз.

Арафотда пешин билан аср намозларини биргаликда пешин вақтида адо қилинади ва арафот нуск[1]ларидан фориғ бўлингач, қуёш ботганидан кейин Муздалифага равона бўлинади. Шом билан хуфтон намозларини Муздалифага бориб, хуфтон вақтида иккала намозни жам қилиб адо қилинади ва кечани Муздалифада ўтказилади.

Ҳажнинг учинчи куни: Зул ҳижжанинг ўнинчи куни ҳажнинг учинчи куни ҳисобланади. У кунда бир неча ҳаж амаллари бажарилади. Улардан тўрттаси вожиб, биттаси фарз бўлиб, жами бешта ҳаж амали бажарилади. Улар қуйидагилар:

1. Муздалифада бомдод намозини ўқигандан кейин, ҳали қуёш чиқишидан олдин вуқуф қилинади ва қуёш чиқишидан бироз аввал Минога равона бўлади;

2. Минога келиб, энг биринчи жамраи ақабага тош отади. Жамраи ақабага тош отишнинг энг афзал вақти зул ҳижжанинг ўнинчи куни қуёш чиққанидан бошлаб заволгачадир. Аслида заволдан кейин ҳам кароҳиятсиз дуруст бўлаверади. Лекин, қуёш ботиши билан макруҳ вақт киради. Агар шомгача тиқилинч бўлиб, шу ҳолат шомдан кейин ҳам давом этса, қуёш ботгандан кейин жамраи ақабага тош отиш макруҳ бўлмайди ва зул ҳижжанинг ўнинчи куни жамраи ақабада йгирма тўрт соат тош отиш

жоиздир;

3. Агар ҳожи таматтуъ ёки қирон қилгувчи бўлса, ўнинчи зул ҳижжа куни шайтонга тош отгандан кейин қурбонлик қилади;

4. Агар ҳожи таматтуъ ёки қирон қилгувчи бўлмаса, жамраи ақабадан кейин сочини олдиради. Агар ҳожи таматтуъ ёки қирон қилувчи бўлса, қурбонликдан кейин соч олдиради;

5. Ҳажнинг энг муҳим рукни ва фарзи бу тавофи зиёратдир. Ўнинчи зул ҳижжа куни имкони борича тавофи зиёратни қилиш афзал ва яхшидир. Агар у куни тавофи зиёратни қилиш имкони бўлмаса, ўн биринчи, ўн иккинчи кунларигача кечиктиришни имкони бор. Лекин, ўн иккинчи зул ҳижжанинг қуёши ботишидан аввал тавофи зиёратдан фориғ бўлиш вожибдир. Ўнинчи зул ҳижжада қилинадиган амалларни қилиб бўлгандан кейин Минога келиб, ўнинчи кечани у ерда ўтказади. Ўн биринчи, ўн иккинчи кечаларни Минода ўтказиш суннатдир;

Ҳажнинг тўртинчи куни: Ҳажнинг тўртинчи куни Зул ҳижжанинг ўн биринчи кунига тўғри келади. У кунда фақат бир амал қилинади, у заволдан кейин учта жамаротга тош отишдир. Заволдан илгари у куннинг тошларини отиш жоиз эмас. Балки, заволдан кейин қуёш ботишидан аввал тош отиш афзалдир. Қуёш ботгандан кейин макруҳ вақт бошланади. Тиқилинч бўлгани сабабли у кунни тошларини отиш шомдан кейинга сурилиб кетса, субуҳ содиқдан аввалроқгача шайтонга тош отиш кароҳиятсиз дуруст бўлади. Узурсиз тош отишни ортга суриш макруҳ бўлади. Лекин, унинг зиммасига тош отишни кечиктиргани учун бирор нарса вожиб бўлмайди. Агар кейинги куннинг субҳи чиқишигача шайтонга тош отмаса, унинг зиммасига қон вожиб бўлади. Ўн иккинчи куннинг заволидан кейин уни қазосини қилиши лозим бўлади. Ўн биринчи куннинг тошини отишга белгиланган вақт 12-кунни субҳи киргунича давом этади. У тахминан 16, 17 соатни ташкил қилади. Ўн биринчи куннинг кечасини Минода ўтказиш суннатдир;

Ҳажнинг бешинчи куни: Ҳажнинг бешинчи куни зул ҳижжанинг ўн иккинчи кунига тўғри келади. У куни ўн биринчи кунда шайтонга заволдан кейин тош отгани каби учта жойда тош отади. Агар ўн иккинчи куни Минодан Маккаи мукаррамага чиқиб кетишни хоҳласа, қуёш ботишидан олдин тош отиб, Минодан чиқиб кетади. Агар тиқилинч бўлгани боис тош ота олмаса, кечасида тош отиб Минодан чиқиб кетиши кароҳиятсиз жоиздир. Ўзини бепарволиги сабабли тош отишни ортга суриб, кечаси тош

отиб Минодан чиқиб кетиши макруҳдир. Лекин, унинг зиммасига бирор нарса лозим бўлмайди. Узур ёки тиқилинч бўлгани сабабли ўн учинчи зул ҳижжанинг субҳ содиғидан аввалроқ шайтонга тош отиб, Маккаи мукаррамага чиқиб кетса, кароҳиятсиз дуруст бўлади. Ўн иккинчи куннинг тош отиш вақти у куннинг заволидан ўн учинчи куннинг субҳ содиғигачадир. Тахминан 16, 17 соатни ташкил қилади.

Агар ўн учинчи куннинг субҳ содиғигача Минода қолиб кетса, у куннинг тошини отиш лозим бўлиб қолади. Ўн учинчи куннинг тошини отиш ҳам рожиҳ қавлга биноан завождан кейин бошланади. Абу Ҳанифа раҳматуллоҳи алайҳ наздида завождан олдин тош отиш кароҳият билан жоиз бўлади. Бу масалани батафсил тарзда шайтонга тош отиш мавзусида кўриб чиқамиз. Ўн учинчи куннинг қуёши ботгандан кейин батамом шайтонга тош отиш вақти тугайди.

مَوْلُكَ لَخَلِّ رِيَّخَ كَيْفَ صِلَى عَادَبْ أُمَّئَادِ مَلَسَ وِلَصْ

أَرِيَّتَكَ هَلْ دَمَّخْ لَوْ أَرِيَّتَكَ رَبَّكَ هَلْ لَأ

أَلَيْسَ أَوْ هَرَّكَ بِلَلْ نَأْحُ بَسْوَ

°نَم": مَلَسَ وَهِيَ لَعْلَلْ لَيْلَ صَدَّ هَلْ لَوْ لَوْ سَرَّ لَقْلَقُ هُنَّ ع هَلْ لَأ يَضَرَّ أَدْرَدَلْ يَبْأَنْ ع
مَوْيْ هَلْ تُنْكَ وَ، أَاهِي قَفْ هَلْ لَأ هَتَّعْ بَاهُونَ يَدْرَمُ أَمْ نَمَّاتْ يَدَحْ نَيْغَبْرَأَيْتُمْ أَيْ لَعْلَعْ طَفَحْ
أَدِي هَشَّ وَاعْفَاشَ عَمَّ أَيْ قَوْلًا.

Абу Дардо розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

“Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам:

“Кимки умматимнинг диний ишларига тегишли қириқта ҳадисни ёд олса, (ва уни уларга етказса) Аллоҳ уни фақиҳ ҳолида тирилтиради ва қиёмат куни унга шафоатчи ва унинг фойдасига гувоҳлик бергувчи бўламан” дедилар”.

Биз ҳам ушбу ҳадисдаги башоратдан умидвор бўлиб, ҳаж борасида қириқта ҳадисни келтириб ўтишни лозим топдик.

ҲАЖ МАВЗУСИГА ДОИР ҚИРИҚ ҲАДИС

° بُتَوَانَكِسَانَمَ أَنْرَأَوْكَ لَ عَمَلِ سُمْ مَّ ةُّمُ أَنْ تَيُّرُذْنَ مَوَكَ لَ نِي مَلِ سُمْ أَنْ لَعَجَ وَأَنْ بَرَّ
مَّ ةُّمُ يَلَعُ وَ لَتَيُّ مَّ هَنْمَ أَلْ وُسَرَّ مَّ هِي فَ ثَغَبَ وَأَنْ بَرُّ مَّ يَحْرُلُ أَبْ وَاوْتَلَّ أَنْ كُنَّ أَنْ يَلَعُ
مَّ يَحْرُلُ زَيْعَ لَتَنْ أَنْ كُنَّ مَّ هِي كَزِيَّ وَ ةُّمُ كَحْلَ وَأَبَاتُ كَلِّ لَ مَّ هُمُ لَعُ وَي وَ كَتَايَ آ

“Роббимиз, икковимизни Ўзингга мусулмон бўлганлардан қил ва зурриётимиздан ҳам Ўзингга мусулмон уммат қил, бизга ибодатларимизни кўрсат, тавбамизни қабул эт. Албатта, Сенинг Ўзинг тавбаларни кўплаб қабул этувчи, раҳмли зотсан. Роббимиз, ўзларининг ичидан уларга оятларингни тиловат қилиб берадиган, китобни ва ҳикматни ўргатадиган, уларни поклайдиган Пайғамбар юбор. Албатта, Сенинг Ўзинг азиз ва ҳикматли зотсан” (Бақара 128-129 оятлар).

Ҳаж ва умра бандани Аллоҳ таолога боғлайдиган, ошиқона бир ибодат бўлиб, унга доир қирқта ҳадис қуйида таржимаси билан келтирилади. Ҳар бир ҳадисда ҳаж ёки умранинг қайсидир амаллари ёки фазилатлари баён қилинганлиги учун уларнинг ҳар бирини алоҳида сарлавҳа остида зикр қилинди. Аллоҳ таолога мухлис ва мақбул бандалар ушбу ҳадислардан фойда олсалар деган умиддамиз.

1. РАСУЛУЛЛОҲ СОЛЛАЛЛОҲУ АЛАЙҲИ ВАСАЛЛАМ ҚАНДАЙ ТАЛБИЯ АЙТАР ЭДИЛАР?

عَلَيْكَ يَا لَيْلَى لَيْلَى وَسَرَّةً يَبْلُتَنَّ أُمُّنَّ عَ لَلِ يَضْرَرَمُعَنَّ بَ هَلَلِ دَبَعَنَّ
كَ لَ عَمَّ عَنَّ لَ وَأَوْ دَمَّ حَلَّ أَنْ كُنِّي بَلَّ كَلَّ كَيْ رَشَّ أَلَّ كُنِّي بَلَّ كُنِّي بَلَّ مَّ هَلَّ كُنِّي بَلَّ : مَّ لَسَّ و
أَلَّ كَلَّ كَيْ رَشَّ أَلَّ كُنِّي لَمَّ لَ أَوْ

Абдуллоҳ ибн Умар розияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади:

**“Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг талбиялари
“Лаббайкаллоҳумма лаббайк. Лаббайка ла шарийка лака лаббайк.
Иннал ҳамда, ваннеъмата лака вал мулк. Ла шарийка лак!” эди”**
(Термизий, Бухорий, Насоий ривояти).

Маъноси: “Аллоҳим! Ҳузурингда ҳозирман, Аллоҳим! Ҳузурингда ҳозирман!
Аллоҳим! Ҳузурингда ҳозирман! Сенинг шеригинг йўқ! Аллоҳим!
Ҳузурингда ҳозирман! Албатта, ҳамд, неъмат ва мулк барчаси Сеникидир!
Сенинг шеригинг йўқ зотсан!”.

Фойда: Қирон ва таматтуъ ҳажида қурбонлик мавжуддир. Ифрод эса, қурбонлик вожиб эмас. Шунинг учун ифрод ҳажга нисбатан қирон ва таматтуъ афзал ва зиёда савоблидир.

4. ҲАЖ ВА УМРА ИБОДАТИ БИЛАН ИНСОН ГУНОҲЛАРДАН ПОК БЎЛАДИ

نَبِيٌّ اَوْ عِبَادَاتٍ : لَاقِ مَلَسُو هَلْ لَاصِرٌ يَبْنِي لِنَعْنَعٍ هَلْ لَاصِرٌ يَبْنِي لِنَعْنَعٍ هَلْ لَاصِرٌ يَبْنِي لِنَعْنَعٍ
دِي دَحْلًا شَبَّخُ رِي كُنْ لِي فَنِي اَمَّ كَبُّونُ ذَلْ اَوْ رُقْفَلِ اِنَا يَفْنِي اَمُّ هِنَا فِرْمُ غَلْ اَوْ جَحْلُ
يَذْمُرْتَلْ اَوْ يَأْسِنُ لَهَا هَاوَر . هِنَا جَلْ اَلْ اِبْ اَوْ ثَرَّة رُوْرُبْمَلْ اَلْ جَحْلُ لَسِي لَوِ اَوْ ضَفْلْ اَوْ بَهْ ذَلْ اَوْ

Абдуллоҳ розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

“Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам:

“Кетма-кет ҳаж ва умра қилинглр. Чунки, у иккиси темирчининг босқони темир, олтин ва кумушнинг кирини кетказганидек (ҳаж ва умра қилгувчидан) фақирлик ҳамда гуноҳларни кетказди. Ҳажжи мабрурнинг савоби жаннатдан ўзга бўлмас”, дедилар” (Насайи ва Термизий ривояти).

5. ЭНГ АФЗАЛ АМАЛ ҚАБУЛ БЎЛГАН ҲАЖДИР

يَأْلِي سَمَلَسُو هَلْ لَاصِرٌ يَبْنِي لِنَعْنَعٍ هَلْ لَاصِرٌ يَبْنِي لِنَعْنَعٍ هَلْ لَاصِرٌ يَبْنِي لِنَعْنَعٍ
لِي بَسْ يَفْدَاوَجْ لَاقِ اِذَا مُمْثَلِي قِ هَلْ اَوْ سَرَوْ هَلْ لِبَابُنَا يِ اِ لَاقِ ؟ لَضَفْ اَلْمَعْلُ
يَأْسِنُ لَهَا هَاوَر . رُوْرُبْمَلْ جَحْلُ لَاقِ اِذَا مُمْثَلِي قِ هَلْ لَاقِ

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

“Набий соллаллоҳу алайҳи васалламдан:

“Қайси амал афзал?” деб сўралди.

“Аллоҳга ва Унинг Расулига иймон келтириш”, дедилар.

“Кейин нима?” дейилди.

“Аллоҳнинг йўлида уриш қилиш”, дедилар.

“Ундан кейин нима?” дейилди.

“Мабрур ҳаж”, дедилар” (Бухорий ривояти).

6. АЁЛЛАР УЧУН ЭНГ АФЗАЛ АМАЛ МАҚБУЛ ҲАЖДИР

الْفَأَلَمَّعَلْضَفَأَدَاهُجَالَىرَنَدَهَلَلْأُسَرَأَي: "أَهْنَعُهَلَلْأَيضَرَّةَشَائِعٌتَلَأَقَو
رُؤْبَمٌجَحَدَاهُجَالْضَفَأَنَكَلَال": لَأَقُ، دَاهُجَان

Оиша розияллоҳу анҳо:

“Эй Аллоҳнинг Расули! Жиҳодни энг афзал амал деб биламиз. Жиҳод қилайликми?” деди.

“Йўқ. Аммо жиҳоднинг афзали ҳажжи мабрурдир”, дедилар”
(Бухорий ривояти).

7. ГУНОҲЛАРДАН ПОКЛАНИШГА САБАБ БЎЛГУВЧИ ҲАЖ ҚАНДАЙ БЎЛАДИ

هَلَلْجَحْهَم": لَأَقُ مَلَسُو هَلَعَلْأَيصَّبْنَلْنَعْنَعُهَلَلْأَيضَرَّةَزَيْرُهُبَأْنَع
هْمُأَهْتَدَلْوَمُؤَيَكَعَجْرُقُسَفَيْمَلْوُتْفَرَيْمَلْف

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

“Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам:

“Ким Аллоҳ учун ҳаж қилиб, фаҳш сўз айтмаса ва фисқу фасод қилмаса, худди онасидан янги туғилгандек бўлиб қайтади”, дедилар” (Бухорий ривояти).

8. ҲАЖ ВА УМРА ҚИЛУВЧИНИНГ ДУОСИ МАҚБУЛДИР

جَال": لَأَقُ مَلَسُو هَلَعَلْأَيصَّبْنَلْنَعْنَعُهَلَلْأَيضَرَّةَزَيْرُهُبَأْنَع
مُهَلْرَفَعُهُوْرَفَعْتَسَلْنَأُوْمُهَبَأَجَاهُوَعْدْنَلَلْأَدْفُورَامُعَلْأَو

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

“Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам:

“Ҳожи ва умра қилувчи Аллоҳнинг меҳмонидир. Агар Аллоҳга дуо қилсалар дуоларини ижобат қилади. Агар Ундан мағфират сўрасалар уларни мағфират қилади” дедилар” (Ибн Можа ривояти).

9. ҲАЖ ВА УМРА ҚИЛУВЧИЛАРДАН ДУО СЎРАШ СУННАТДИР

مجلس و هيلع هلالى صده لال لؤسر لاق لاق هنع هلالى ضر رمع نب هلال ذب عنع
هت ي ب ل خ د ي ن ا ل ب ق ك ل رف ع ت س ي ن ا ه ر م و ه ح ف ا ص و ه ي ل ع م ل س ف ج ا ح ل ا ت ي ق ل ا ذ ا
ه ل ر و ف ع م ه ن ا ف .

Абдуллоҳ ибн Умар розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

“Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам:

“Ҳожи билан учрашсанг унга салом бергин ҳамда у билан қўл бериб кўришгин ва уйига киришидан илгари сен учун истиғфор айтишини сўрагин. Чунки, у (ҳожи) гуноҳлари кечирилиган кишидир” дедилар” (Имом Аҳмад ривояти).

10. АЛЛОҲНИНГ РАСУЛИ СОЛЛАЛЛОҲУ АЛАЙҲИ ВАСАЛЛАМ ҲАМ ЎЗЛАРИНИНГ ҲАҚЛАРИГА ҲОЖИДАН ДУО СЎРАГАНЛАР

ى ف مجلس و هيلع هلالى صده لال لؤسر لاق لاق هنع هلالى ضر رمع نب هلال ذب عنع
ان سنن ال و كئ ا ع د ج ل ا ص ى ف ان ك ر ش ا ، ى خ ا ا ي " : ل ا ق ف ه ل ن د ا ف ، ه ر م ع ل ا .

Ибн Умар розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

“Умар Набий соллаллоҳу алайҳи васалламдан умра қилишга изн сўрадилар. Унга изн бериб:

“Эй, биродарим! Ўзингни хос дуоингда бизни ҳам шерик қилгин ва бизни унутиб қўймагин” дедилар” (Ибн Можа ривояти).

11. ҲАРОМДАН ОРТТИРИЛГАН БОЙЛИК БИЛАН ҲАЖ ВА УМРА ҚИЛИШНИНГ ОҚИБАТИ

ج خ ا ذ ا م ل س و ه ي ل ع ه ل ل ا ل ل ا ل ل ا ل ل ا ل ل ا ل ل ا ل ل ا ل ل ا ل ل ا ل ل ا ل ل ا ل ل ا ل ل ا ل ل ا ل ل a
ه ا د ا ن ك ي ب ل م ه ل ل ا ل ك ي ب ل ى د ا ن ف ز ر غ ل ا ي ف ه ل ج ر ع ص و و ه ي ط ي ط ه ق ف ن ب ا ج ا ح ل ج ر ل ا

نَعْلَاقَ مَلَسَوَّهِيَ لَلَّصَّ لَلَّوُسَّرَّ نَأَاقَ نَعْلَاقَ لَلَّيَضَّرَّ دِي عَسَّيَ بَأَنَع
يَضَمَّتْ شِي عَمَلَايَ فَيَلَّعُ تَعَسُّوْأُوْهُ مَسَّجُ هَلَّ تَحَّصَّأَ دَبَّعَنَّ لَوَقِي لَجْوَعُ لَلَّ
مُؤَحَّمَلَّيَلَّ دَفَيَ أَلْمَأُوعَأُ عَسْمَخَ هِيَلَعُ

Абу Саъийд Худрий розияллоху анхудан ривоят қилинади:

“Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васаллам:

“Аллоҳ азза важалла деди:

“Қайси бандани жисмини соғлом, ризқини кенг қилсаму у ҳар беш йилда ҳузуримга ҳозир бўлмаса, (у раҳматимдан) маҳрумдир” дедилар” (Ибн Ҳиббон ривояти).

Фойда: Мазкур ҳадиси шариф қудсий ҳадис бўлиб, Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи всалламнинг лафзлари билан унда Аллоҳ таолонинг кўрсатмаси бевосита баён қилинмоқда. Ҳажга қодир бўлиб, тез-тез ҳажга бориб турган кишига кўплаб яхши мукофатлар, насибалар мавжуддир.

مَلَسَوَّهِيَ لَلَّصَّ لَلَّوُسَّرَّ نَأَاقَ نَعْلَاقَ لَلَّيَضَّرَّ دِي عَسَّيَ بَأَنَع
اهفَاعَضَأُ قَفَنَأُ اِلَّ هَلَّ لَلَّيَضَّرِّي اَمِي فَا هَقَفَنِي عَقَفَنَب نَضِي عَمَأَلُو دَبَع نَم اَم :
تِيضَق هَتَجَاح يَفِي عَسَلَاوَمَلَسَمَلَا هِي خَأُ عَنوعَم عَدِي دَبَع نَم اَمُو هَلَّ طَخَس يَف
نَم اَمُو هِي لَع رَجُؤِي اَلُو هِي فَم ثَأِي نَم عَنوعَم بِي لَتَبَا اِلَّ ضَقَت مَل وَا عَجَاح لَلَّ كَلت
يَلَّ رَطَن اِلَّ اِي نَدَلَا جِئَاوَح نَم عَجَاح لَلَّ هِي لَلَّ لِي بَسَلَا دَجِي وُهَو جَلَّ عَدِي عَمَأَلُو دَبَع
«عَجَاح لَلَّ كَلت هَلَّ لَلَّيَضَّرِّي نَأَاقَ لَبَق نِي قَلَّ حَمَلَا

Ҳусайн ибн Али розияллоху анхудан ривоят қилинади:

“Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васаллам:

“Қайси бир эркак ёки аёл Аллоҳ рози бўладиган ўринга нафақа қилишдан бахиллик қилса, албатта унинг мислича Аллоҳнинг ғазабини келтирадиган нарсага сарфлайди. Кимки мусулмон биродарига ёрдам бериш, ҳожатини чиқаришда югириб-елишни тарк қилса, хоҳ у ҳожати раво бўлсин ёки бўлмасин гуноҳга ёрдам беришга мубтало бўлади ҳамда савобсиз қолади. Қайси бир эркак ёки аёл йўлга қодир бўла туриб дунёвий ҳожатларидан бирор бир ҳожатни бахона қилиб, ҳажни тарк қилса Аллоҳ унинг ҳожатини чиқармасидан илгари ҳожиларни қайтиб келганини кўради, яъни ҳожилар ортга қайтиб келмагунларича Аллоҳ унинг ҳожатини раво қилмайди”.

“Рукн (қора тош) ва мақом (мақоми Иброҳим) жаннат ёқутларидан икки ёқут (тош) эди. Аллоҳ у иккисини нурини ўчирди. Агар у иккисини нурини ўчирмаганида, машриқ билан мағриб ўртасини ёритар эди” деяётганларини” эшитдим” деди (Термизий ривояти).

تَوَّقَايَ نَمْرَاتٍ تَوَّقَايَ مَاقَمِ لَوْ أَنْ كَرَّلَانِ " : لَأَقُومُ نَعْمَ لَلِإِيضَاءِ سَابِعِ نَبِّ نَعْمَ
أَفْطَأَمَ الْوَلَوُ ، أَمُّهُرُونَئِ فُطْرُ ضَرَّالِ يَفِ اعْضُ وَا مَلَفُ ، رُونُ أَمُّهُ لَأَمَّ سَلَّانِ مَ الْزَنَدَةَ نَجَّالِ
مَدَّ أَمُّهُ بِي لَاعَتُ هَلَّالِ سَنَاءِ ضَرَّالِ أَوْ أَمَّ سَلَّالِ نَبِّ بِي أَمَّضَالُ ؛ أَمُّهُرُونَ نَمَّ لَجَّ وَرَعُ هَلَّالِ
مُالِّ سَلَّالِ هَلَّالِ عُمَدَا دَحْأُو ، أَمُّهُضَايَ بَدَّشُ نَمَّ أُولُ أَلَّالِ تَنَ أَلَّالِ تَيَ انْكَفُ ، مُالِّ سَلَّالِ هَلَّالِ
هَلَّالِ هَلَّالِ يَدَيَّ أَيْ نَمَّ لَجَّ وَرَعُ هَلَّالِ عُمَدَا مَلَّالِ لَوَّالِ وَهَبُ أَسَانُئِ تَسَلَّالِ هَلَّالِ مَصَفُ نَكَّرَلِ
مَاقَمِ لَوْ أَنْ كَرَّلَالِ لِي نَجَّالِ نَمَّ عِي شَرَّالِ يَفِ سَيَّالِ وَصَرَّبُ أَلَّالِ أَوْ مَكَّالِ أَلَّالِ أَرْبُ أَلَّالِ
بِي أَيْ نَمَّ مَطْعُ أَلَّالِ قَلَّالِ مَوِي أَمُّهُ نَمَّ دِحْأُو لُكُ يَتِي أَيَّ هَلَّالِ رَعُجُ نَمَّ نَاتَرَعُجُ أَمُّهُ نَمَّ
عَافَ وَلَبَّ أَمُّهُ هَاوُ نَمَّ لَدَنَ أَدَّهَشِي نَاتَفَشُ وَنَانِي عَ أَمُّهُ لِي سَيَّالِ بَقُ

Ибн Аббос розияллоху анхумо:

“Рукн ва мақом жаннат ёқутларидан икки ёқутдир. Иккиси осмондан тушганида у иккисини нури бор эди. Ерга иккиси қўйилганида у иккисини нури ўчирилди. Агар у иккисини нурини Аллоҳ ўчирмаганида, албатта ер ва осмон ўртасини ёритиб турар эди. Аллоҳ таоло у иккиси билан Одам алайҳиссаломни хурсанд қилди. Иккиси жуда оқ бўлганлигидан ялтирар эди. Одам алайҳиссалом рукни олиб, у(Каъба) билан дўст бўлиши учун ун (каъба)га қўшди. Аллоҳ аzza ва жалла жоҳилият қўли билан муҳрламаганида кўр ва песни тузатар эди. Ер юзида рукн ва мақомдан бошқа жаннатдан бирор нарса йўқ. У иккиси жаннат жавҳарларидан икки жавҳардир. У иккисидан ҳар бири қиёмат куни Абу Қубайсдан улкан бўлиб келади. У иккисини икки кўзи, икки лаби бўлиб, иккисига вафо қилган кишилар фойдасига гувоҳлик берадилар” деди.

19. УЗРЛИ КИШИ НОМИДАН ҲАЖИ БАДАЛ ҚИЛИШ

يَلْصِقُ بِنَلَّالِ لِي لِمَ عَمَّ شَخْ نَمَّ لُجَّرَ عَاجُ : لَأَقُومُ نَعْمَ لَلِإِيضَاءِ سَابِعِ نَبِّ نَعْمَ لَلِإِيضَاءِ سَابِعِ نَبِّ نَعْمَ
الُّرِي بَكُ خِي شَوَّو مَالِّ سَلَّالِ كَرَدَا يَبَّأُنَّ لِي لَلِإِيضَاءِ سَابِعِ نَبِّ نَعْمَ لَلِإِيضَاءِ سَابِعِ نَبِّ نَعْمَ
«... وَرَبُّكَ أَتَنَّا» : لَأَقُومُ نَعْمَ لَلِإِيضَاءِ سَابِعِ نَبِّ نَعْمَ لَلِإِيضَاءِ سَابِعِ نَبِّ نَعْمَ لَلِإِيضَاءِ سَابِعِ نَبِّ نَعْمَ

لَقَاقُ. «كُنْتُ حُجَّيْكَ لَدُنَّ أَكْأَهَ تَيْضَاقَ فُ نِي دَكَيْبَ أَيْ لَعَنَ أَكْأَهَ نِي تَيْ أَرَأَى:» لَقَاقُ. مَعَنَ: لَقَاقُ
«كُنْتُ حُجَّيْكَ لَدُنَّ أَكْأَهَ تَيْضَاقَ فُ نِي دَكَيْبَ أَيْ لَعَنَ أَكْأَهَ نِي تَيْ أَرَأَى:» لَقَاقُ. مَعَنَ:

Абдуллоҳ ибн Зубайр розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

“Хасъамлик бир киши Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳузурларига келиб:

“Эй, Аллоҳнинг расули! Отам исломни топди. У уловни минишга ярамайдиган кекса ёшдаги киши бўлиб, унинг зиммасига ҳаж фарз бўлди. Уни номидан мен ҳаж қилсам бўладими?” деди.

У зот:

“Сен унинг фарзандларини каттасимсан?” дедилар.

У:

“Ҳа” деди.

У зот:

“Отангни зиммасида қарзи бўлса, уни тўласанг, ўша (унинг номидан) жоиз бўладими?” дедилар.

У:

“Ҳа” деди”

У зот:

“Ундай бўлса, уни номидан ҳаж қил” дедилар” (Байҳақий ривояти).

20. ЭРКАК КИШИ НОМИДАН АЁЛ КИШИНИ ҲАЖИ БАДАЛ ҚИЛИШИ

بَابُ إِذَا لَلَّ لَوَسَّرَ أَي: تَلَقَّاقَ مَعْتَشَخُ مَ ءَ أَرْمَانًا أُمُّهُ نَعُهُ لَلَّ لَوَسَّرَ أَي ضَرَسَ أَبَعَنْ نَبَأَ نَعِ
رَهْطَ لَعَنَ وَيَوْتَسَي نَأْ عِي طُتَسَي أَلْ أَرِي بَكَ أَيْ شَرَّحَ لَوَسَّرَ أَي لَلَّ لَوَسَّرَ أَي ضَرَسَ أَي رَفُّهُ تَكَرُّدًا
. «كُنْتُ حُجَّيْكَ لَدُنَّ أَكْأَهَ تَيْضَاقَ فُ نِي دَكَيْبَ أَيْ لَعَنَ أَكْأَهَ نِي تَيْ أَرَأَى:» لَقَاقُ. مَعَنَ:

Ибн Аббос розияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади:

“Хасъам қабиласидан бир аёл:

“Рамазонда умра қилинганлар, чунки рамазонда қилинган умра (ажру савобда) ҳажга тенгдир” дедилар” (Термизий ривояти).

و هـ يـ لـ ع هـ لـ لـ اـ لـ ص هـ لـ لـ لـ و س ر ل ا ق ل ا ق هـ نـ ع هـ لـ لـ اـ يـ ض ر ص ا ع ل ا ي ب ا ن ب ن ا م ث ع ن ع ن م ر ي خ ع ج و ا هـ ي ف ا م و ا ي ن د ل ا ن م ر ي خ ع ر م ع ن ا و ر غ ص ا ل ا ج ل ا ي هـ ر م ع ل ا ن ا م ل ع ا و م ل س ع ر م ع .

Усмон ибн Абул Ос розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

“Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам:

“Билгинки, умра у ҳажжул асғардир ва умра дунё ва ундаги нарсалардан яхшидир. Ҳаж эса, умрадан яхшидир” дедилар” (Муъжами кабийрдан қисқартирилган ҳолда келтирилган).

هـ يـ لـ ع هـ لـ لـ اـ لـ ص ي ب ن ل ا ي ل م ي ل س م ا ت ا ج ل ا ق هـ نـ ع هـ لـ لـ اـ يـ ض ر س ا ب ع ن ب ن ع ن ا م ر م ي ف ع ر م ع م ي ل س م ا ي ل ا ق ف ي ن ا ك ر ت و هـ ن ب ا و ع ح ل ط و ب ا ج ح ت ل ا ق ف م ل س و ع ج ل د ع ت .

Ибн Аббос розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

“Умму Сулайм Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳузурларига келиб:

“Абу Талҳа ва унинг ўғли ҳаж қилиб, иккалалари ҳам мени тарк қилдилар” деди.

Шунда у зот:

“Эй, Умму Сулайм рамазонда қилинган умра (ажру савобда) ҳажга баробар бўлади” дедилар” (Ибн Ҳиббон ривояти).

25. МАККАДАН АРАФОТГАЧА УЛОВДА БОРИЛСА, ҲАР БИР БОСИЛГАН ҚАДАМГА ЕТМИШТА АЖР ЁЗИЛАДИ

نـ يـ جـ ا ح ة ك م ن م ا و ج خ ا ، ي ن ب ا ي ؛ هـ ي ن ب ل ل ا ق هـ نـ ا ، ا م هـ نـ ع هـ لـ لـ ا يـ ض ر س ا ب ع ن ب ن ع ن ب ك ا ر ل ل ا ج ا ل ل ن ا ؛ ل و ق ي م ل س و هـ ي ل ع هـ ل ل ا ي ل ص هـ ل ل ل و س ر ت ع م س ي ن ا ف ة ا ش م

“Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам:

“Менинг бу масжидимдаги намоз ундан бошқалардаги мингта намоздан афзалдир. Фақат масжидул ҳаром бундан мустаснодир. Масжидул ҳаромдаги намоз ундан бошқадаги юз минг намоздан афзалдир” (Ибн Можа ривояти).

يَفْءَالَصَلِّاقَ مَلَسَوِ هَيْعَ لَلَّيْ صَبَّ لَانَا نَعْنَعُ لَلَّيْ صَرَرَةَ رِيْرُهُ يَبْأَعْنَ
مَآرَحَلَّيْ حَسَمَلَّأَلْهُ أَوْسَامَ يَفْءَالَصَفَلَّأَنْ مَلَّصَفْأَا أَدَهْ يَحْجَسَمَ

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

“Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам:

“Менинг бу масжидимдаги намоз ундан бошқалардаги мингта намоздан афзалдир. Фақат Масжидул ҳаром бундан мустаснодир” (Бухорий ривояти).

Фойда: Ҳожиларга Масжидул ҳаром ва Набавий масжидда намоз ўқиш имкони бўлса, уни қадрини билиш лозимдир ва у ердаги бирор вақт намозни қўлдан бой бермасликлари даркор. Акс ҳолда, шунча фазилат қўлдан бой берилади ва уни ортга қайтариш жуда мушкулдир.

31. ЗАМЗАМ СУВИДАН ВАТАНГА ОЛИБ КЕТИШ САОДАТИ

لَوْ سَرَّ نَأْرُكُ دَتَوِ رِيْرَا وَقَلَّ يَفْ مَزَمَزَاءَ مَلَّحَتْ تَنَّاكْ أَهْنَا أَهْنَا عُلَّيْ صَرَرَةَ شَائِعْنَ
مَهِيْقَسَيَّوِ صُرْمَلَّيْ عُبُصَيَّ نَاكَوَكَلَّذَلَّعَفْ مَلَّسَوِ هَيْعَ لَلَّيْ صَرَهَلَّيْ

Оиша розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

“У замзам сувини шиша идишларда кўтариб олиб кетар ва Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам шундай қилар ва касаллар устидан қуяр ва уларга ичкизар эдилар деб айтарди”.

32. МАДИНАИ МУНАВВАРАГА ҚИЁМАТГАЧА ЎЛАТ ҲАМ ДАЖЖОЛ ҲАМ КИРА ОЛМАЙДИ

يَلَّعَ مَلَّسَوِ هَيْعَ لَلَّيْ صَرَهَلَّيْ لَوْ سَرَّ لَاقَ لَاقَ نَعْنَعُ لَلَّيْ صَرَرَةَ رِيْرُهُ يَبْأَعْنَ
لَّجَّ دَلَّأَلَّوْ نُوعَاطَلَّأَلَّأَلَّحُدَيَّ أَلَّكَئَلَّ مَهْنَيَّ دَمَلَّأَلَّ بَاقَنَّأَ

Абу хурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

“Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам:

“Мадинанинг йўлларида фаришталар бор. Унга ўлат ҳам, Дажжол ҳам кира олмайди”, дедилар” (Бухорий ривояти).

33. МАДИНАИ МУНАВВАРАДА ВАФОТ ЭТУВЧИЛАРГА ШАФОАТ БАШОРАТИ

مَلَسَ وَهِيَ لَعْنَةُ لَلِصِّ لَلِأُلُوْسِ رَلِأَقِ لَاقُ هُنَّ لَلِأَيِّضِ رَرَمْعِ نَبَا هَلَلَا دَبْعُ نَعِ
أَوْبُتُ وَمَيِّ نَمَلُ غُفْشَا يِّنِ إِيْفِ أَوْبُتُ مَيِّ لَفِةِ نِي دَمْلَابَتِ وَمَيِّ نَأْعَاطِ تَسَائِنَمِ

Абдуллоҳ ибн Умар розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

“Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам:

“Кимки Мадинада вафот эта олса, унда вафот этсин. Чунки, унда вафот этган кишини шафоат қиламан” дедилар” (Термизий ривояти).

Фойда: Мадинаи мунавварда вафот этган ҳожиларга Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам шафоат қилиш ваъдасини бермоқдалар.

34. МАДИНАИ МУНАВВАРА ҲУРМАТИ ВА МУҚАДДАСЛИГИГА ХИЛОФ ИШ ҚИЛГУВЧИЛАРГА ЛАЪНАТ ВАЪДАСИ

إِلْمَلَسُو هِيَ لَعْنَةُ لَلِصِّ لَلِأُلُوْسِ رَرَمْعِ نَبَا هَلَلَا دَبْعُ نَعِ
مَلَسَ وَهِيَ لَعْنَةُ لَلِصِّ لَلِأُلُوْسِ رَلِأَقِ لَاقُ هُنَّ لَلِأَيِّضِ رَرَمْعِ نَبَا هَلَلَا دَبْعُ نَعِ
هُنَّ لَعْنَةُ لَلِصِّ لَلِأُلُوْسِ رَلِأَقِ لَاقُ هُنَّ لَلِأَيِّضِ رَرَمْعِ نَبَا هَلَلَا دَبْعُ نَعِ
نِي مَلَسُ
سَائِنَمِ لَعْنَةُ لَلِصِّ لَلِأُلُوْسِ رَلِأَقِ لَاقُ هُنَّ لَلِأَيِّضِ رَرَمْعِ نَبَا هَلَلَا دَبْعُ نَعِ
هُنَّ لَعْنَةُ لَلِصِّ لَلِأُلُوْسِ رَلِأَقِ لَاقُ هُنَّ لَلِأَيِّضِ رَرَمْعِ نَبَا هَلَلَا دَبْعُ نَعِ
هُنَّ لَعْنَةُ لَلِصِّ لَلِأُلُوْسِ رَلِأَقِ لَاقُ هُنَّ لَلِأَيِّضِ رَرَمْعِ نَبَا هَلَلَا دَبْعُ نَعِ

Али розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

“Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламдан фақат Қуръон ва бу саҳифадаги нарсани ёзиб қолдик. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам:

“Мадинанинг ҳарами Айр билан Савр орасидадир. Ким унда бир бидъат пайдо қилса ёки бидъатчига жой берса, унга Аллоҳнинг, фаришталарнинг ва барча одамларнинг лаънати бўлсин. (Қиёмат куни) Аллоҳ ундан нафлни ҳам, фарзни ҳам қабул қилмайди. Муслмонларнинг зиммаси бир бўлиб, уларнинг энг пасти ҳам унга кўра саъй қилади. Ким муслмонга берган аҳдини бузса, унга Аллоҳнинг, фаришталарнинг ва барча одамларнинг лаънати бўлсин. (Қиёмат куни) ундан нафл ҳам, фарз ҳам қабул қилинмас. Ким мавлоларининг изнисиз бир қавмга волий бўлса, унга Аллоҳнинг, фаришталарнинг ва барча одамларнинг лаънати бўлсин. (Қиёмат куни) Аллоҳ ундан нафлни ҳам, фарзни ҳам қабул қилмайди», дейилган.

Фойда: Мадинаи мунавваранинг жанубида, Макка тарафда, Зул Ҳулайфа яқинида Айр тоғи жойлашган. Ундан Мадинанинг ҳарами бошланади. Унинг қарама-қаршисида, яъни Уҳуд тоғининг орқасида Савр тоғи бўлиб, у Мадинанинг шимолида жойлашгандир. Саврнинг чўққисидан мадинанинг ҳарами бошланади.

35. ДАЖЖОЛ ЧИҚҚАН ВАҚТДА МАДИНАИ МУНАВВАРАНИНГ ЕТТИ ЭШИГИ БЎЛАДИ ВА ҲАР БИР ЭШИҚДА ИККИ ФАРИШТА ТУРАДИ

لُحْدَيْ آلَ لَاقِ، مَلَسُو هِيَ لَعَلَّ لَصِيْبِي بِنِّ لَاقِ، عُنَّ عُلَّ لَاقِ يَضَرَّ رَاقِي بَابِ أَعْنَانِ
بَابِ لَاقِ، عِلَّ بَابِ أَعْنَانِ، لَاقِ لَاقِ يَضَرَّ رَاقِي بَابِ أَعْنَانِ

Абу Бакр розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

“Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васаллам:

“Мадинага масиҳ Дажжолнинг ҳайбати кирмайди. Чунки, у вақтда у (Мадина)нинг еттита дарвозаси бўлиб, ҳар бир дарвозада икки фаришта бўлади” дедилар” (Бухорий ривояти).

36. ЖАННАТ БОҒИДАГИ НАМОЗ ВА ИБОДАТНИНГ ФАЗИЛАТИ

نَبِّ أَمِّ: لَاقِ مَلَسُو هِيَ لَعَلَّ لَصِيْبِي بِنِّ لَاقِ، عُنَّ عُلَّ لَاقِ يَضَرَّ رَاقِي رَاقِي بَابِ أَعْنَانِ
بَابِ لَاقِ، عِلَّ بَابِ أَعْنَانِ، لَاقِ لَاقِ يَضَرَّ رَاقِي رَاقِي بَابِ أَعْنَانِ

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

“Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам:

“Уйим билан минбарим орасида жаннат боғларидан бир боғ бор. Минбарим эса, ҳавзи кавсарим устидадир” дедилар” (Бухорий ривояти).

Фойда: Жаннат боғида, яъни Расулуллоҳ минбари олдида намоз ўқиш билан жаннат боғи ва ҳавзи кавсардан ичиш насиб бўлади.

37. НАБАВИЙ МАСЖИДДА ҚИРИҚ РАКЪАТ НАМОЗ ЎҚИШНИНГ ФАЗИЛАТИ

نَمَّ لَأَقُوَّةً، مَلَسُو هِلْجَ هِلْجِ لِيَصَّيْبُ لِنَعْوَةَ هِلْجِ لِيَضْرِبَ لِمَنْبَرٍ سَنَأَنَعِ
رَأْنَلِ مُمْءَارَبُ هَلْ تَبْتُكَ، هَلْ صُتُوفِي آلَ، هَلْ صَنِيعُ رَأْيِ دِجْسَمِ يَفِي لَصِ
قِافِ لِنَمَّ لِيَرْبَوَّءِ بَادَعُ لِمُمْءَاجَ وَ

Анас ибн Молик розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

“Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам:

“Ким мени масжидимда қириқ (маҳал) намоз ўқиб, бирор намозни қолдирмаса, унга дўзахдан сақланиш, азобдан нажот ва нифоқдан эминлик ёзилинади” дедилар” (Имом Аҳмад ривояти).

Фойда: Ҳожилар одатда Мадинаи мунавварада саккиз кун турадилар. Ўша вақт оралиғида озгина эътибор билан беш вақт намозни жамоат билан Набавий масжидда адо қилсалар, ҳадисда ваъда қилинган улуг фазилатга эга бўладилар.

38. ҚУБО МАСЖИДИДА НАМОЗ ЎҚИШНИНГ ФАЗИЛАТИ

يَتَأَيُّ مَلَسُو هِلْجَ هِلْجِ لِيَصَّيْبُ لِنَعْوَةَ هِلْجِ لِيَضْرِبَ لِمَنْبَرٍ سَنَأَنَعِ
نَيَّ عَكْرَهُ يَفِي لَصِ يَفِي أَيَّ شَأْمٍ وَأَبْكَارٍ أَبْقِ دِجْسَمِ

Ибн Умар розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

“Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Қубо масжидига уловда ҳам, пиёда ҳам келиб, унда икки рақъат намоз ўқир эдилар” (Бухорий ривояти).

